



**Фракция ташаббуси**

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида барча соҳаларга замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, хусусан, бу орқали таълим тизимини изчил ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ана шу дастурий ғоялар ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида «Таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш — таълим сифатини оширишнинг муҳим омил» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.



## Буюк келажак бўсағасида

**Муносабат**

...Ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан ниҳоятда оғир ҳавф-хатарларга дуч келган халқимизнинг қаддини тиклаш, уни ўзи орзу қилган ҳаёт сари ишонч ва қатъият билан олиб бориш йўлидаги 1989-1991 йилларнинг тинимсиз сазой-ҳаракатлари, уйқусиз тунларнинг очич қўй-ташвишлари, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш машаққатлари чуқур таҳлил этилган, тангликдан чиқишнинг устувор вазифалари аниқ кўрсатиб берилган. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида асарини ўқир экансиз, ўта таҳликали йилларда ҳам Юртбошимиз мамлакат ёшларининг таълим-тарбиясидан тортиб, касб-хунар эгаллашига қадар қатор муаммолар ҳақида жиддий бош қотириб, уларнинг ечими учун имкониятлар қидириб топганини, бу борада узоқни ўйлаб донишмандлик билан иш тутганини-ю, бугунги кунларимизни ўшандаёқ ёрқин тасаввур қила олганлигини қалбдан ҳис этасиз.

Давоми 5-бетда ➤

# Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда

ахборот технологияларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга

Тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва фаоллари, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида курс ўтаётган туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирилари, илгор мактаблар раҳбарлари, Тошкент шаҳридаги туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирилари иштирок этилди. Шунингдек, бевосита он-лайн режимида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирли-

ги ва барча вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда «Адолат» СДПнинг худудий Кенгашлари вакиллари ҳам тадбир иштирокчисига айланмишди. Илмий-амалий семинарнинг ўтказишдан асосий мақсад — таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган ишларни чуқур таҳлил қилиш, бу борадаги иштиробли йўналишларни белгилаб олиш ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг бу борадаги масъулиятини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияла-

рини кенг жорий этиш, ўқувчи-ёшларнинг бу соҳада билим олишини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид лойиҳаларга мувофиқ мактабларни замонавий компьютер жиҳозлари ва техникаси билан таъминлаш, ўқув жараёнида мултимедиа ва электрон дарсликлардан, рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларда ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Илмий-амалий семинар иштирокчилари Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантириш истиқболларига назар ташлаб, таълим жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан

оқилона фойдаланиш таълим сифатини янада оширишнинг муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидладилар. **И.Саифназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:** — Сўнгги йилларда дунё тараққиётида таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодий, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Таълимнинг роли инсон капитали таъсири ўсиши билан бирга муттасил юксалиб бормоқда. Мазкур тизим давлат миқёсида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг алоҳида соҳасига айланиб улгурди. Айнан шунинг

учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётининг устувор йўналиши, деб эълон қилинди. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида жаҳоннинг бу борадаги илгор тажрибалари ҳамда халқимизнинг кўп асрлик миллий қадриятларини ўзида акс эттирган янги таълим тизими ҳаётга татбиқ этилди. Бугун Ўзбекистон таълимнинг барча босқичларида илгор тадқиқотлар олиб бориш имконияти, ҳар томонлама юқори илмий салоҳияти ва малакали кадрлари мавжуд бўлган катта миқдордаги таълим муассасаларига эга маданий-илмий марказга айланди.

Давоми 4-бетда ➤

**Депутат минбари**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барча йўналишлари қатори асаларичилик ҳам жадал ривожланиб келмоқда. Асаларичилик тараққиёти туфайли бозорларимиз тўкин, бу борадаги аҳоли эҳтиёжлари қондирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, асаларичилик эл фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаларидан бирига айланди.

## Сердаромад соҳа

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 26 февралда «2009-2011 йилларда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар» дастури қабул қилинганлиги бу соҳада қисқа муддат ичида эришилган ютуқлар омил бўлди. Дастур асосида тармоқнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, асаларичиликка ихтисослаш-

тирилган хўжаликлар сони кўпайтирилди, республикамиз истеъмол бозори сифатли асал ва асал маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланди. Бугунги кунда асаларичилик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари сони 7 мингтадан ошиб кетди. Вахоранки, 2008 йилда бу кўрсаткич 4 мингтадан ташкил этарди, холос. 2010 йилда 2840 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсат-



Давоми 2-бетда ➤

## Ижроия қўмита йиғилиши

**Марказий аппаратда**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроия қўмита аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия фаоллари иштирокида ўтган йиғилишда партия фаолиятига доир бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда дастлаб, «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда иштироки тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари С.Рауфов маъруза қилди. Таъкидландики, айна пайтда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2012 йил — «Мустаҳ-

кам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда иштирокига қаратилган Ҳаракат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. 7 бўлим 20 банддан иборат ушбу дастур ижросини таъминлашда партиянинг марказий ва худудий ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси иштироки белгиланган.

Давоми 2-бетда ➤

**Лоқайдликка ўрин йўқ**

...депутатлик гуруҳлари ўз худудларидagi ҳокимлар фаолиятига тегишли баҳо бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, жойларда вужудга келган муаммоларга айна шу йўл билан ечим топишлари керак. Бизнингча, депутатлик гуруҳлари ва партиядан сайланган барча депутатлар лоқайдлик ва бекфарқлик иллатига ҳеч қўйсалар, фидойилик, жонқуярлик, ташаббускорлик кўрсатсаларгина ўзларига билдирилган юксак ишончни амалда оқлаган бўладилар.



2-бет

**Микрокредитбанк**

«Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган жорий йилда ҳам банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш республикада устувор вазифалардан бири бўлиб, бу орқали ҳар бир оила фаровонлиги ортшиши, айнақса ёш оилалар учун бахтли турмуш тарзи яратилиши борасида ишлаб чиқилган давлат дастури асосида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган ва бу чора тадбирлар ижроси изчиллик билан бажарилмоқда.

оилалар маъмурлигининг фидойий молиявий муассасаси



6-бет

**Табиатда бўшлиқ бўлмайд**

Албатта ҳеч ким хориж телеканалини томоша қилишга қарши эмас. Биз фикрлар хилма-хиллигига асосланган демократик жамиятда яшамоқдамиз. Бунинг устига тил билганга нима етсин. Ҳеч ким жамият аъзоларини Хитой девори ичига қамаб қўймоқчи ҳам эмас. Аммо берилаётган маълумотлар оқими нимага ва қилма қилма қилмоқда? Гап ана шу хусусда кетмоқда.



7-бет



# Қонунчилик

## Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш жараёни

**Концепция: устувор вазифалар**

Республикада ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ҳуқуқий соҳада кенг қамровли ислохотлар ўтказилмоқда. Бундай ислохотлар орасида маъмурий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазоларни қайта кўриб чиқиш, айрим қонунбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси давлатчилигимиз тараққиётида муҳим ўзгаришларни, унда илгари сурилган дастурий тақлифлар эса жамиятимиз тараққиётининг кейинги муҳим йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги кунда юртимизда ҳамда дунё ҳамжамяти томонидан қизгин муҳокама қилинаётган ва ривожланишнинг илгор демократик йўли сифатида тан олинган ушбу Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Концепцияда мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатлиги белгиланган. Мазкур муҳим тарихий ҳужжатда

илгари сурилган тақлифларнинг амалга оширилиши суд-ҳуқуқ тизимининг янада такомиллашувига, жиноят қонунчилигининг тобора либераллашувига шароитида айрим қонунбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш имконини беради. Бошқа томондан маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни унификациялаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юриштиришнинг процесуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича вазифаларнинг ҳал этилишини назарда тутуви Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқилишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва

жамоат тартибини муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қонунчилик қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1994 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

Янги таҳрирдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг асосий мақсади —

декс лойиҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юриштириш таъминлаш чораларидан бири ҳисобланган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш жойини, тартибини аниқлаштириш ва муддатларини кўриб чиқиш, маъмурий процесуал мажбурлов чораларини қўллашда суд органлари санкцияси институтининг киритилиши ўз ифодасини топтоми лозим. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш процесуал мажбурлов чорасини қўллашда фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари имплементация қилинишининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексиде юқорида тақлиф этилган маъмурий жавобгарликни эркинлаштирувчи нормалар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

**А.КАДИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик босқирмаси катта масъули



## Ижроия кўмита йиғилиши

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳаракат дастури ўз ичига миллий қонунчиликни такомиллаштиришда партия позициясини белгилаш, ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳалла институти ролини ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

«Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги масала Ижроия кўмита аъзолари томонидан танқидий нуктаи назардан таҳлил қилинди.

Маърузачи, Ижроия Кўмита аъзоси Т.Матибаевнинг таъкидлашича, таҳлиллар партиядан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларнинг баъзилари партия ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик ўрнатмаганлигини кўрсатган. Бу эса депутатлик гуруҳлари томонидан партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига киритилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашларида «Партия ташкилотлари фа-

олиятининг самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида семинар-кенгашларни ўтказиш тўғрисида», «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси тизимида энг намунали партия ташкилотларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги ҳамда «Энергияни тежаш ва муқобил энергия ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказини ташкил этиш ҳақида»ги масалалар ҳам аниқлаштирилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**  
«Адолат» мухбири

## Сердаромад соҳа

Давоми. Боши 1-бетда

Хусусан, мавжуд табиий ва технологик ресурслардан янада самарали фойдаланиш, ушбу соҳага хорижий давлатларнинг тажрибаларини кенг жорий этиш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва дунё бозорига чиқиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Шунингдек, янгидан ташкил этилган асарчилик ҳўжаликлари раҳбарларининг баъзиларида соҳада эришилаётган ютуқлар, фан-техника янгилликлари, дунё тажрибалари, асарлари насларига алоҳида эътибор қаратиш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш борасида етарли даражада билим ва малака етишмаяпти. Шу билан бирга, мамлакатимизда асарчилик соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришга эҳтиёж бор.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан асарчиликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар соҳани янада ривожлантириш мақсадида ўзаро фикр алмашишди. Давра суҳбатида тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш орқали қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил қилиш, пировардида аҳолининг реал даромадлари кўпайиши, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш имконияти орттириш таъкидланди.

Бугунги кунда дунё бўйича 120 дан зиёд давлат асал маҳсулотларини ишлаб чиқариш,



уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш орқали катта даромад олмақда. Жумладан, Хитой, Туркия, АКШ, Аргентина, Канада ва Мексика каби давлатлар асарчиликда энг илгор давлатлар қаторига кирди.

«Адолат» СДП фракцияси нуктаи назарига кўра, Ўзбекистон ҳам ана шундай энг илгор давлатлар қаторига кириши учун барча имкониятлар, имтиёзлар мавжуд. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар асарчиликни янада ривожлантиришда айни муддаодир. Қолаверса, диёримизнинг бетакорр табиати ва ўзига хос иклими асарчилик оиласини эрта баҳордан то кеч кузгача боқиш учун жуда қулай. Шу боис асарчилик билан боғлиқ тадбиркорликни кенг тарғиб қилиш лозим. Шу билан бирга, фан-техникада эришилаётган ютуқларни асарчиликка изчил татбиқ

этиш, илмий лабораториялар ташкил қилиш, бу йўлда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кўчатириш керак. Шунингдек, «Адолат» СДП фракцияси аъзолари етакчи олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот институтлари базасида тармоқ мутахассислари малакасини ошириш тизимини ривожлантириш гоёсини ҳам илгари суради.

Асарчилик азалдан етти хазинанинг бири ҳисобланади. Чунки бу соҳа ер танламайди, алоҳида экинзорлар ташкил этишни тақозо қилмайди. Озгина эътиборли меҳнат туфайли унинг хосияти бўлган маҳсулотлардан наф топиш мумкин. Шу боис, сердаромад соҳани ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

**Алишер АКРАМОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

## Депутатлик гуруҳларида

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчатириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари ва барча даражадаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклатди.

Тўғри, ўтган бир неча йил ичида сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти сезиларли даражада жонланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, «Адолат» СДПнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари сессиялари кун тартибига бир неча долзарб масалалар киритилди, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Аммо бу мазкур партиядан сайланган депутатлар ўз бурчларини бугунги кун талаблари даражасида тўла адо этаётганлар, дейишга асос бўла олмайди.

Ҳақиқатан ҳам сиёсий партиялардан сайланган депутатлар зиммасида жуда катта

## Лоқайдликка ўрин йўқ

масъулият бор. Маълумки, депутатлик гуруҳларини ташкил этишдан мақсад ҳам партиячи явий қонун ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар — худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиб, тегишли баҳо беришидир. Афсуски, барча депутатларимиз ҳам сайловчи олдидаги бурч ва масъулиятларини етарли даражада ҳис этмаган пайтлар бўлди. Бироқ депутатлик гуруҳлари фаолиятини кўчатиришга қаратилган уринишлар ўз самарасини бермай қолмапти.

«Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги 6 нафар депутатдан ташкил топган депутатлик гуруҳи, шунингдек, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган 18 нафар депутатлар орасида фидойи, ташаббускор, қатъиятли фаоллар талайгина. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид ўз тақлиф ва ташаббуслари билан чиқайтган депутатлар сайловчиларнинг муножаатларига ҳам бебарво эмаслар. Айниқса, Жўқорги Кенгес депутати Минкес Абдиқаликовга Мўйноқ тумани марказида болалар мусиқа марказида болалар мусиқа мактабини қайта таъмирлаш, шунингдек, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида тумандаги 5

та намунавий типдаги турар жойларнинг ўз вақтида қуриб битказилиши, «Қозақдер» қишлоқ фуқаролар йиғини худуддаги 14-умумий ўрта таълим мактаб спорт залини қайта таъмирлаш юзасидан муножаатлар келиб тушиди. Депутатнинг ўз вақтида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқиши беиз кетмади. Сайловчилар истаги ижобий ҳал этилди.

Шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатларимиз ҳам сессиялар кун тартибига ҳаётий тақлиф ва ташаббусларни киритиш, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ечишда ўз фаолликларини намойён этишмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Кеғейли туман кенгашидаги аграр ва сув ҳўжалиги, экология масалалари бўйича доимий комиссия раиси Қайратдин Бежнов ўз сайловчилари билан учрашув чоғида 11-«Кўкўзак» сайлов округидаги «Маданият» овулида табиий газ таъминотида муаммолар юзга келаётгани юзасидан шикоят олганди. Депутатнинг муаммони сессия кун тартибига олиб чиқиши ва маҳаллий ҳокимлик аралашуви билан газ таъминотидаги узиллишларга барҳам берилди.

Маълумки, партиянинг дастурий ҳужжатларида депутатларнинг ҳам депутатлик гуруҳларининг ҳам ҳуқуқ ва бурчлари аниқ-равшан баён этиб берилган. Яъни, депутатлик гуруҳлари мавжуд муаммоларни Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси даражасигача олиб чиқиш ваколатига эгадирлар. Уларнинг ана шу имкониятдан тўла фойдаланмаётганликлари бизнинг — партия кенгашларининг энг катта камчилигидир. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳлари ўз худудларидаги ҳокимлар фаолиятига те-

гишли баҳо бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, жойларда вузудга келган муаммоларга айнан шу йўл билан ечим топишлари керак. Бизнингча, депутатлик гуруҳлари ва партиядан сайланган барча депутатлар лоқайдлик ва бефарқлик иллатига чек қўйсалар, фидойилик, жонқурлик, ташаббускорлик кўрсатсаларгина ўзларига билдирилган юксак ишончли амалда оқлаган бўладилар. Албатта, биз бир жойда депсиниб турганимиз йўқ. Депутатлик гуруҳларидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгеси томонидан сиёсий ўқувлар ташкил этилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури, шунингдек, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридаги ижросини таъминлашда депутатлар фаолиятини янада ошириш мақсадида аниқ режалар ишлаб чиқилиб, депутатларга тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, берилган имкониятлардан фойдаланиб, нималарга қодир эканлигимизни амалда намойён этишимиз шарт. Айниқса, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ва партиянинг турли бўғинларидаги етакчиларнинг ташаббускорлиги янада орта, режалаштирилган ва амалга оширилаётган ислохотлар бундан-да кўпроқ самара беради. Ана шундангина халқимизнинг партияга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

**Нурлибой ҚАЙПБЕРГЕНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари.



# Салоҳиятли ва фаол ёшлар

партия истиқболини таъминлайди

Сиёсий ўқиш

Фарғона шаҳрида “Ўзбекистон “Адолот” СДП Фарғона вилояти “Ёш адолатчилар” қанотининг партия фаолиятидаги иштирокини янада кучайтириш — партия истиқболини таъминлашда муҳим омил” мавзуда Ўзбекистон “Адолот” СДП Фарғона вилояти “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари учун сиёсий ўқиш ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман ва шаҳар партия ташкилотларидаги “Ёш адолатчилар” қаноти етакчилари иштирок этдилар.

Сиёсий ўқишдан кўзланган асосий мақсад — партия фаолиятида “Ёш адолатчилар” қаноти салоҳиятини ошириш ва уларнинг ташаббускорлигини кучайтириш орқали жамоатчилик назоратига жалб

да партия депутатлари ваколатлари, хусусан, депутатлик сўрови ваколатлари ва имкониятларидан фойдаланиш, бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорлигида жамоатчилик назоратини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий ўқиш давомида мамлакат сиёсий ҳаётида партияларнинг иштироки, амалдаги ҳамда қабул қилинган қонунлар моҳияти мавзуда маърузалар тингланди. — Бугунги кунда Фарғона вилоятида 9094 нафар партия аъзолари мавжуд, — деди Ўзбекистон “Адолот” СДП Фарғона вилояти “Ёш адолатчилар” қаноти раиси Дилноза Аҳмедова. — Уларнинг 4228 нафари ёки 46 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бугун партия ташкилотининг олдидан ташкил этиш механизми ва ушбу жараён

билими ва тажрибаси ҳамда салоҳиятини партия ривожланишига сафарбар этиш, улар орасидан ёш етакчиларини саралаб олиш ва партия тузилмаларида партиявий фаолият иш услубларини замонавийлаштиришда иштирокини таъминлашдан иборат. Мазкур ўқув-семинар эса айнан ана шундай вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Шунингдек, тadbир давомида ёш депутатларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Уни Фарғона шаҳар Кенгашининг ёш депутатлари У.Маматжонов ва Ф.Отакуловлар олиб беришди. Тadbир давомида маҳаллий Кенгаш депутатларининг ваколатлари ёритилиб, жамоатчилик назоратини ташкил этишда ушбу ваколатлардан фойдаланиш механизмларини партия манфаатларида

қўллаш, ёшларнинг тавсиялари ва ташаббуслари асосида партия депутатлари ҳамкорлигида фуқаролар мурожаатларини ҳал этиб бориш, партия сайловолди дастури ижросини таъминлаш йўллари кўриб чиқилди. Фарғона шаҳрининг қатор маҳаллалари доирасида ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига оид фикрлари ўрганилди, тақдимотлари тингланди ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун депутатлар ва ёшлардан ишчи гуруҳ тузилиб, уларнинг натижаларини навбатдаги семинарда Фарғона шаҳар ёшлар ташкилотчилигида тақдим қилиш режалаштирилди.

Ўзбекистон “Адолот” СДП Фарғона вилояти партия Кенгаши матбуот хизмати.

# Амалий ғоя ва ташаббуслар

электорат манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, партия нуфузини мустақкамлашга хизмат қилади

Бошланғич партия ташкилотларида

Ўзбекистон “Адолот” СДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлиналари ҳамкорлигида бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш, уларнинг масъулият ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглр ўтказилди. Уларда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши раислари, Аёллар, “Ёш адолатчилар” қаноти ҳамда БПТ етакчилари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

Сурхондарё вилояти партия Кенгашида бўлиб ўтган ана шундай тadbирлардан бирида сўзга чиққан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинимаси раҳбари Р.Норлиев ўтказилган мазкур семинар бошланғич ташкилот етакчиларининг сиёсий ва ҳуқуқий билиминини оширишга, сиёсий партия ходимлари ва фаолларида БПТларнинг партия ички вазибалари ва ижтимоий-

иқтисодий фаолиятини ташкиллаштириш бўйича зарурий бўлиналари замонавий талаблар даражасига кўтаришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Семинарда БПТ шаклланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, устав тамойиллари ва оптимал ташкилий тузилмаларни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий функциялари ҳамда самарадорлигини ошириш, электорат ман-

фаатларидан келиб чиқиб, устувор ижтимоий вазибаларини ҳал этишда БПТларнинг иштирок этиши каби масалалар хусусида маърузалар тингланди. — Айни вақтда вилоятимизда 5410 нафар аъзоларни бирлаштирган 150 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда, — деди Ўзбекистон “Адолот” СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси С.Ҳамидова. — Очик айтиш лозим, мавжуд бошланғич ташкилотларимизнинг ҳаммасида ҳам бирдек фаоллик кузатилмади. Хусусан, айрим ташкилотларнинг туман партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги етарли эмас. Баъзи куйи бўғинлар ўтказиб тadbирлар эса сифат жиҳатдан талабга жавоб беради. Мавжуд камчиликлардан бартараф этиш ва БПТлар фаолият самарадорлигини оширишда мазкур тadbирларнинг аҳамияти катта, албатта. Қолаверса, фаол ташкилотларимиз тажрибасини ҳам оммалаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ракобат тарзида иш олиб бордилар. Уларга “БПТ ташкил қилишда ҳудудий ва

касбий тамойиллар” ва “Электорат орасида сиёсий технологиялардан фойдаланиш” мавзусида ишлаш вазибаси топширилди. Кичик гуруҳларда, айниқса, ёшларнинг иштироки фаол бўлди. Биринчи гуруҳ ўз тақдиротида туғма лидерларни ҳис қилган ҳолда танлаб олиш, аҳоли кўп истиқомат қиладиган жойларда семинарлар, тadbирлар ташкил этиш, партия сиёсатини акс эттирувчи баннерлардан фойдаланиш, тарғибот-ташвиқотнинг турли йўлларида фойдаланиш усулларини тақлиф этишди. Масалан, Ўзбекистон “Адолот” СДП раамлари туширилган футболка, бош кийими ва бошқа буюмлар ҳам партиянинг тарғиб этишининг бир усули эканлиги таъкидланди. Иккинчи гуруҳнинг тақдиротида сиёсий технологиялардан фойдаланган ҳолда ОАВларда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, афишалар, баннерлардан фойдаланиш, семинарларни аҳолининг турли қатламлари орасида содда ва тушунарли тарзда ўтказиш, турли тарқатма материаллардан фойдаланиш, ёшлар орасидан лидерларни танлаган ҳолда ишлаш тақлифларини беришди.

— Бу каби семинарларни туманларда ҳам ўтказиш лозим, — деди Термиз шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Б.Ашуров. — Семинарлар барча БПТларни қамраб олса, партия аъзоларининг фаоллиги ошади, ўз ишларига янгича ёндашадилар. — Бугунги модернизация жараёни бизлардан ҳар жабҳада фаол, ташаббускор бўлишни, қуруқ гаплар билан эмас, балки электоратимиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун амалий ғоя ва ташаббусларни илгари суришни тақозо этмоқда. Бошланғич партия ташкилоти доимо халқ орасида бўлишини ҳисобга олсак, бу жараёнда биз етакчилардан масъулият, ҳам кучли билим талаб этилади, — деди БПТ етакчиси В.Согбаева. Семинар давомида олинган хулосалар бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Ўзбекистон “Адолот” СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

# Вақтида кўрилмаган чоралар

муаммо кетидан муаммоларни эргаштиради

Ўз-ўзини танқид

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар сиёсий партиялар зиммасига залворли вазибаларни юкламоқда. Бу эса аҳолининг маълум қатламлари манфаатларини ҳимоя қилаётган ҳамда ўз сайловчилари орқали қонун чиқарувчи орган ҳамда маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳларини шакллантирган партиялардан сиёсий фаолиятнинг барча бўғинларида ишини такомиллаштириш, танқидий таҳлил қилиб бориш ҳамда камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришни талаб этади. Изчил сиёсий фаолият олиб бораётган Ўзбекистон “Адолот” СДП ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Масалани партиянинг Наманган вилояти Кенгаши фаолияти мисолида таҳлил қилсак. Аввало шунини таъкидлаш лозимки, вилоят партия Кенгаши томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазиба-

лар ижроси юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, жойлардаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари томонидан шаҳар ва туманларнинг ижтимоий ривожлантириш йиллик дастурларини кенг жамоатчилик назоратидан ўтказиш билан боғлиқ тadbирлар

уюштириш юзасидан саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Партиянинг қайта тикланидиган, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этишда иштирокини таъминлаш мақсадида вилоятдаги олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда “Ёш олимлар клуби”ни ташкил этиш каби қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Аммо партиянинг таянч бўғини ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолиятида учраётган айрим нуқсонлар эришилаётган ютуқлар салмоғига соя солмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон “Адолот” СДП Наманган вилояти Кенгаши 5 минг нафарга яқин аъзоларни 125 та БПТларга бирлаштирган. Партиявий ташкилий фаолиятини янада жонлантириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларни ўз вақтида ижро этиш, аъзолар таркибини янада кенгайтириш, электорат ва сайловчилар билан ишлаш каби вазибаларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган чора-тadbирларга қарамай, айрим туман кенгашларида куйи бўғинлар фаолиятида камчиликлар кўзга таш-

ланмоқда. Хусусан, Тўрақўрғон, Поп, Косонсой, Уйчи туманларидидаги баъзи БПТлар фаолиятини янада жонлантириш зарурияти юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида аъзолик бадалларини йиғиш, партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, жойлардаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва депутатлик гуруҳлари орқали туман ва вилоят Кенгашлари сессияларида олиб чиқишда маълум қийинчиликларни туғдирмоқда. Ушбу камчиликлар яқинда бўлиб ўтган вилоят партия Кенгашининг навбатдаги Пленумида танқидий нуқтаи назардан атрофлича таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазибалар белгилаб олинди ҳамда туман кенгашлари раислари ва БПТлар раҳбарларига зарурий кўрсатмалар берилди. Зеро, муайян муаммо юзасидан вақтида чора-тadbирлар кўрилмаган тақдирда янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон “Адолот” СДП Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилани мустақкамлаш, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар асосида ривожлантириш, нуфузини оширишга доир режалаштирилган дастурларни бажаришда жамиятнинг борча институтлари, айниқса, сиёсий партиялар ҳам ўз имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фаол иштирок этмоқда.

## Жамият тараққиётининг пойдевори

Ўзбекистон “Адолот” СДП Андижон тумани кенгаши томонидан “Мустақам оила йили” Давлат дастури доирасида тумандаги Бўтакора қишлоғининг “Маориф” маҳалла фуқаролар йиғинида “Маҳалла — жамият тараққиётининг пойдевори” мавзусида ташкил этилган давра суҳбати фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Тadbирда сўзга чиққанлар истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқ мамлакатимизда оила манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий кадрларнинг муштараклигида янада бойитиш, чуқур билимини, касб малакаси шаклланган маънавий ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Ўзбекистон “Адолот” СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

## Ўзбекистон “Адолот” СДП: ташаббус ва тadbирлар

# Миллат фахри

Жаҳон тамадунига улкан ҳисса қўшиб, тарқок, катта-кичик давлатларнинг ўзаро хунрезликларига барҳам бериб, марказлашган йирик давлатга асос солган, бир қатор давлатларнинг мустамлакачилик (мўғул ва ўсмонли турклар) зулмидан озод бўлишлариغا ёрдам берган, қўл остидаги ҳудуд ва шаҳарларда зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва моданият ривожига мустақкам пойдевор қўйган улўф бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг оқилона ва хайрли ишлари ҳоли-ҳануз ибрат бўлиб келмоқда. Соҳибқирон бунёд этган салобатли саройлар, мадрасаю мақбаролар олти ярим аср ўтибдики, бугун ҳам қадимий ва навқирон шаҳарларимиз кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан қурилишлар, асрларга тенг бунёдкорликлар, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам улўф бобомиз танлаган йўл, бошлаб берган эзгу аъналарининг мантиқий давоми дейишимиз мумкин. Миллат фахри, буюк давлат ароби, зукко саркарда, Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 676 йиллиги жойларда кенг нишонланди. Хусусан, ана шундай маънавий-маърифий тadbирлардан бири Ўзбекистон “Адолот” СДП Тошкент вилояти ҳамда Окқўрғон тумани Кенгашлари, Халқаро “Амир Темур” хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимини ҳамкорлигида Окқўрғон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Тadbирда тарихчи олимлар, санъаткорлар, педагоглар, ёшлар ҳамда МФЙ вакиллари иштирок этишди. Тadbирда Амир Темурнинг саркардалик санъати, давлат

бoшқарувидаги ўзига хос позицияси, пухта дипломатияси, оқил ва адолатли сиёсати, шунингдек, маънавий-тарбиявий ўғитлари тўғрисида атрофлича тўхталилди. Тadbирда сўзга чиққан Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Муҳаббат Шоюсупова Соҳибқироннинг юксак инсоний фазилатлар ҳақидаги ўлмас ўғитлари, комиллик борасидаги ибратли фаолияти ҳақида гапирди. Тadbир сўнггида ёшлар Амир Темур ҳаёти, ижоди, у қолдирган бой маънавий мерослар ҳақида билганларини тўққинлиб гапириб беришди. Ва шундай буюк зот авлоди эканлигидан фахрланишларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди.

Ўзбекистон “Адолот” СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Худди шундай тadbир Ўзбекистон “Адолот” СДП Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Қамолот” ЕИХ Гулистон шаҳар бўлими ва Сирдарё вилояти “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Гулистон шаҳар 2-академик лицейида ташкил этилди. “Қонун устуворлиги — адолат мезони” мавзусидаги мазкур тadbирда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, Амир Темур амал қилган адолат мезони — Қонун устуворлиги тамойилига асосланганлиги хусусида тўхталиб ўтилди.



Тadbир жараёнида лицей ўқувчиларидан ташкил топган “Темурийлар”, “Барлос”, “Зиё Нур” жамоалари таништирув, савол-жавоблар, сардорлар беллашуви, бадий чиқиш шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Жамоалар ўзбек миллий давлатчилиги асосида бўлган буюк Соҳибқирон ҳаётига оид тарихий манбалар асосида ўз саҳна кўринишларини, темурийлар давлатчилиги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлари тарихига оид эғаллаган билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Тadbирда иштирок этган жамоалар ҳайрат аъзолари томонидан ҳаққоний ва адолат мезони асосида баҳо-

лаб борилди ва голиблар аниқланди. “Зиё Нур” жамоаси 1-ўрин, “Темурийлар” жамоаси 2-ўрин, “Барлос” жамоаси 3-ўринга муносиб деб топилди. Тadbир голиблари ташкилотларнинг махсус эсдалик совғалари, диплом ва фахрий ёрликлари билан тақдирландилар. Тadbирда ёшлар миллий давлатчилик тарихига оид билим ва кўникмаларини мустақкамлаб олдилар.

Ўзбекистон “Адолот” СДП Сирдарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.





# Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда

## ахборот технологияларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга

Давомий. Боши 1-бетда

Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши юртимиз таълим тизimini тубдан ва ҳар томонлама ислоҳ қилиш бўйича эришган ижобий натижаларимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор тан олиниши бўлди. Хорижлик экспертларнинг эътирофи билан, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ҳамда таълим соҳасидаги илгор ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар салмоқли бўлиб, мутахассисларнинг малакаси ва профессионаллик даражаси мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш имконини берди, инвестициявий жозибдорлигини таъминлади.

Бугун жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизациялаш орқали дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиш йўлида шиддат билан оидмляяимиз. Бу мақсадга эришиш учун бизга инновацион фикрлайдиган, илм-фаннинг турли соҳаларида илгор гоя ва тақлифларни ўртага ташлаб, уни амалиётга жорий этишга қодир малакали кадрлар керак бўлади. Бундай юксак иқтидор ва салоҳият эгаларини эса мактаб давридаёқ кашф этиб бурсак, таълимнинг кейинги босқичларидаёқ бунинг самараларини кўришимиз мумкин бўлади. Шундай экан, энг аввало таълимнинг куйи бўғини бўлган мактаб таълимини ривожлантириш, тизимга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш нақадар долзарб эканлигини замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ёшларда инновацион фикрлашни шакллантириш, жамиятнинг илгор қатлами бўлган олимларимизнинг илмий тадқиқот ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалиётга жорий этишга қаратилган савий-ҳаракатларини айнан «мактаб» таълимини ривожлантиришдан бошлаш тарафдоридир.

### Т.Ширинов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири:

— Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахслар бўлиб етиштирилиши, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда ўқиб билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган, десак асло муболага бўлмайди. Бугун таълим тизимига жаҳон стандартларига жавоб берадиган илгор ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, умумтаълим муассасаларини энг замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим ва малакасини мунтазам юксалтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 28 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан юртимизда «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи яратилди. Бундан қўзланган мақсад маърифий соҳадаги илгор иш тажрибасини оммалаштириш, билим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришдан иборатдир.

Халқ таълими вазирлиги, «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида электрон ўқув адабиётлари, қўлланмаларни яратиш, педагогларнинг замонавий ахборот-технологияларига оид билими ва малакасини ошириш, таълим жараёнига илгор технологияларни изчил жорий этиш юзасидан бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимиздаги мингдан ортиқ мактаб ўз сайтига эга.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган 9769 та умумий ўрта таълим мактабларининг 9400 дан зиёди ёки жами мактабларнинг 96 фоизи «ZiyoNET» электрон ахборот

тармоғига уланган, 7316 таси ёки 75,5% замонавий ўқув компьютер синфлари билан жиҳозланган. «ZiyoNET» фойдаланувчилари учун ушбу тармоқда таълимнинг барча бўғинлари ҳақидаги маълумотлар, маъруза матнлари, илмий ишлар, дарс ишланмалари, миллий қонунчиликка оид янгиликлар, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг электрон шакли мавжуд. Тармоқдаги ахборот ресурслари мунтазам равишда бойитиб берилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб мазкур тармоқда fikr.uz сайти яратилиб, унда ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, миллий аъёнлар руҳида тарбиялашга қаратилган материаллар, ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий ишланмалар ҳақидаги маълумотлар, ижод намуналари жойлаштирилмоқда.

Шу билан биргаликда, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун «Компьютер саводхонлиги», «Дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш» ҳамда «Умумтаълим фанлари бўйича мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш методологияси» мавзулари бўйича уч босқичли семинар-тренинглар ташкил этилиб, унга республика бўйича жами 63860 нафар педагоглар жалб этилди.

### А.Раҳмонов, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз таълим тизимининг мустақилликка бўлган аҳоли барчамизга аён. Ўша даврда аксарият чекка ҳудудларда яшовчи ёшлар паҳса ва хом гиштдан қурилган мактабларда, эскича стандартлар асосида таълим олишарди. Истиқлолга эришганмиздан кейин эса ёшларимизнинг малакат тақдирини белгилувчи асосий куч эканлиги инобатга олинди, мактаб таълимни ривожлантириш, янгидан-янгий замонавий таълим муассасаларини барпо этиш,



лим сифати ва мазмунини оширишга хизмат қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириб боришдан иборат. Шу ўринда, чекка ҳудудларда жойлашган қишлоқ мактабларида кўш батареяларидан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг жорий этилишида иштирок этганимиз ҳам дастурий вазифаларимиз ижросига мисол бўлади.

### Ш.Эргашев, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори:

— Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун Корея Республикаси ҳукумати томонидан берилadigan имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-

румдаги компьютерлар ва махсус замонавий қурilmalar билан жиҳозланган монтаж столи ўрнатилган. Монтаж столида экранлардаги видеотасвирларни бирдан иккинчисига ўтказувчи «Video switch» ва студияда ёшиш пайтида овозни назорат қилиш учун «audio mixer» каби махсус жиҳозлар жойлаштирилган.

### С.Мўминов, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг Тадқиқотлар ва ривожланиш бўлими бошлиғи:

— Мамлакатимизда умумий ўрта таълим сифатини ошириш мақсадида Марказимиз томонидан амалга оширилаётган умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳаси доирасида бугунги кунда 1553 та умумтаълим мактаблари замонавий ўқув компьютер синфлари ва мос меъёллар билан жиҳозланган бўлиб, яна 218 та мактаб ўқув ком-

### К.Жўраев, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Бугун ёшларимизнинг энг замонавий технологиялар асосида таълим олаётганликлари қувонарли, албатта. Аммо дунёда рўй бераётган глобаллашув жараёнидан нуктаи назаридан ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларимизни турли хил мафқуравий хуружлар, гоъвий таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи ҳам тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, маънавиятимизга мулақо ёт бўлган «оммавий маданият»нинг зарарли иллатлари айнан замонавий ахборот технологиялари ва бутун жаҳон «ўргимчак тўри» орқали ёшларимиз оғига таълим чётдан кириб келувчи зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа юкланмоқда. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим. Зеро, ёшлар тарбияси барчамизга дарахдор масаладир.

Шунингдек, илмий-амалий семинарда Бухоро вилояти бўйича марказнинг худудий координатори, Бухоро шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактаб ўқитувчиси Х.Рустамов ўқувчининг билим даражасини адолатли баҳолашга йўналтирилган мультимедиа дастурини иштирокчилар эътиборига хавола қилди. Маърузачи ушбу дастур ўқувчилар билимларини адолатли баҳолашга ёрдам беришини таъкидлаб, электрон машғулот, электрон имтиҳон, электрон ўқитувчи ва электрон журнал ҳақида қизиқарли маълумотлар берди.

Тадбир доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан бевосита онлайн режими орқали мулоқотга чиққан иштирокчилар ҳудудлардаги мактабларнинг компьютерлаштириш даражаси ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, бу борада жойларда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимини, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан вазирлик раҳбарияти ҳамда партиянинг Олий Мажлиси қуйи палатаси депутатларига савол ва тақлиф-мулоҳазалари билан муножаат қилишди. Хусусан, Республикаимизнинг чекка қишлоқларидаги мактабларни муқобил энергия манбалари билан таъминлаш борасида қатор тақлифлар билдирилди. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жойлардаги худудий Кенгашлари бу борадаги савий-ҳаракатларини фаол қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги қайд этилди.

Семинарда таъкидланган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳали баҳарлишиш лозим бўлган бир қатор вазифалар ҳам кенг таҳлил этилди. Хусусан, таълим жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; ўқув режадаги ҳар бир фанни тегишли Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган электрон дарсликлар, виртуал лабораториялар, видеодарс комплекслари, назорат материаллари, услубий мультимедияли материаллар ва ўқитувчига ёрдамчи қўлланмалар, дарсдан ташқари ишлаш учун материаллар ва бошқалар билан кенгайтириш; яратилган таълим ресурсларини вазирликнинг www.uzedu.uz веб-сайтига жойлаштириш орқали доимий равишда оммавий фойдаланиш имконини яратиш ани шундай вазифалар сирасига кириди.

Илмий-амалий семинар иштирокчилари таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинар сўнггида иштирокчилар Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази қошидаги мультимедиа студиясига таширф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Илҳос САХАТОВ,  
«Адолат» мухбири.



мавжудларини замон талаблари асосида таъмирлаш ва жиҳозлашга муҳим эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса энг аввало мамлакатимиз раҳбарининг мактабдек улуг даргоҳга бўлган чексиз ҳурмати ва ёшларга қаратаётган эътибор ва ғамхўрликларини самарасидир.

Соҳага доир Қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳақида сўз кетганда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда миқёси, мукамаллиги ва мақсадлари билан ноёб ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши мазкур соҳадаги чуқур ислохотларни амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар билан Ўзбекистонда таълимнинг етти босқичи: мактабгача таълим — умумий ўрта таълим — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими — олий таълим — олий таълимдан кейинги таълим — кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш — мактабдан ташқари таълимни қамраб олган замонавий узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди.

Таълимнинг барча бўғинларида амалга оширилган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, бугун мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса дунё бўйича энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Биз қонун ижодкорлари олдига турган асосий вазифа эса таъ-

ри ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорига асосан Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган эди. Бундан қўзланган мақсад Ахборот коммуникация технологиялари асосида замонавий мультимедиа умумтаълим дастурларини, электрон таълим ресурсларини яратиш, такомиллаштириш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш ҳамда оммалаштириш орқали умумий ўрта таълим сифатини оширишдир.

Ҳозирда Корея Республикаси билан ҳамкорликда 1770 та умумтаълим мактабларида инфорацион технологияларни жорий қилиш юзасидан 35 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа асосида 45 нафар ходим Корея Республикасида малака ошириб қайтди.


Шунингдек, лойиҳа доирасида яқинда Марказ биносида Мультимедиа студияси ва Сервер майдончаси ташкил этилди. Студия тасвирга олиш жараёнини бошқариш, аудио-видео ёзишни назорат қилиш, суратга олинган материалларни монтаж қилиш ва сақлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун аппарат бўлимида 4 та энг сўнгги ру-

пьютер синфлари билан жиҳозланиши кўзда тутилган. Ушбу жиҳозлардан унумли фойдаланиш мақсадида 3000 дан зиёд умумтаълим мактаблари ўқитувчилари тайёрланди.

Марказимиз томонидан бир қатор дастурий маҳсулотлар ва электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz расмий веб-сайти; Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим портали (www.eduportal.uz); Марказ сайти (www.multimedia.uz); ВЕБ-МАКТАБ — ХТВ қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг маълумотлар тизими (web-maktab.uzedu.uz); ВЕБ-БОҒЧА — ХТВ қарашли мактабгача таълим муассасаларининг маълумотлар тизими (webbogcha.uzedu.uz); Мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақаларига бағишланган веб-сайти (www.umidnihollari.uz); Малака ошириш курслари ва ўқув жараёни мониторингини олиб бориш ҳамда тингловчилар давоматини назорат қилиш тизими (mo.eduportal.uz); АКТ бўйича малака оширишдан ўтган мактаб ўқитувчиларини интерактив тарзда рўйхатга олиш ва тестдан ўтказиш тизими (akt.uzedu.uz); Кадрлар билан ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизими («ХТВ-КАДР»); 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига қамраб олиш бўйича (tb.uzedu.uz) дастур; Мактабгача таълим муассасаларининг электрон қабули дастури (mtp.uzedu.uz); MOODLE пакети асосида масофавий таълим тизими — (www.moodle.uzedu.uz) ва бошқа электрон ахборот-таълим ресурслари шулар жумласидандир.

Шунингдек, 30 та масофавий таълим курслари, 88 та интерактив тест ва машқлар, 13 та интерактив ўйинлар, 40 та виртуал лабораториялар яратилган. Мазкур электрон ресурслар ва 7 тилдаги 700 дан ортиқ дарсликларнинг электрон нусхалари вазирликнинг расмий сайтыга жойлаштирилган бўлиб, улардан ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг дарс жараёнида кенг фойдаланиш имконияти яратилган.

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази қошида мультимедиа студияси ишга туширилгани натижасида бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари 2-синф ўқувчилари учун «Меҳнат» фанидан, «Тасвирий санъат» фанидан, 5-6 синфлар учун «Жисмоний тарбия», 8-синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» фанидан электрон ахборот-таълим ресурслари яратилмоқда.





# Буюк келажак бўсағасида

Давом. Боши 1-бетда

Ислон Каримов таъкидлаганидек "Ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўшлиқ бўлмайди. Биз бўлмаган жойда бизнинг ўрнимизга ёшлар ва халқ билан бошқалар шугулланади. Буни унутмаслик керак". Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эканини кейинроқ ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Юртбошимизнинг қалб нидоси бўлиб янграган сўзларини нақадар тўғри эканини, айтиш мумкинки, оғоҳликка даъват садоси бўлганлигини ҳайрат билан эътироф этамиз.

Ешларимизнинг қалби, онги ва шурига вайронкор гоёларни олиб киришга бўлган уринишлар, уларни турли ҳийланайранлар билан ақидапарастлик, экстремизм ҳамда терроризм гирдобларига тортиш йўлидаги байриқонуний ҳаракатлар фикримизнинг далилидир.

Мана шу хавфларнинг ҳаммасини олдиндан кўра билган ва уларнинг олдини олишга чакирган давлатимиз раҳбари ёшларни асраб-авайлаб, уларга астойдил ёрдам беришга, муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган етакчиларни тайёрлаш борасида қайғуриши барчамиз ва айниқса, раҳбарлар учун ибрат бўлмоғи керак.

Юртбошимизнинг олий ва умумтаълим мактаблари фаолиятини тубдан қайта кўриш масалаларини қатъий қилиб қўйганлиги ўша пайтдаёқ "Таълим тўғрисида"ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури устида иш бошлаш зарурлигини кўнглига тугиб қўйганидан далolat бериб турибди. Айнан Ислон Каримов ташаббуси билан яратилган бу икки муҳим ҳужжат асосида мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилган туб ислохотлар дунёнинг ҳеч бир нуқтасида андозаси бўлмаган янги таълим тизимини вужудга келтирди.

Утган йиллар ичида эришган муваффақиятларимизни кўплаб ривожланган мамлакатлар мутахассисларини ҳайратга солганлигини шу йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг

энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган 48 давлат, 8 халқаро ташкилот ва жамғармалар вакиллари эътирофларидан кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ўзи мазкур нуфузли халқаро анжуманда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқаролини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва граждандлик фаоллигини, ўз келажигига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустақам асосига айланди, десак ҳеч қандай муболага бўлмайди. Бизнинг билимли, ўтмишининг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда раванқ топтиришнинг ҳал қилувчи, ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Буни ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида кўриб турибмиз. Баралла айтишимиз керакки, ёшларимизнинг юксак маънавиятли комил инсонлар бўлиб етишишлари масаласини давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси қилиб белгиланган Юртбошимиз ўз фаолиятининг бошиданок гоётада қатъиятлугу изчиллик, бағрикенглигу меҳрибонлик, жонқуярилигу фидойиллик билан иш тутиб, мустақил мамлакатимизни юксак марралар сари дадил бошлаб бормоқда, бу йўлда янги-янги ютуқларга эришимизга бош-қош бўлмоқда. Ўзини, ўз ҳаётини, бутун борлигини элқурт тинчлиги, озодлиги, обод-лукта, бахт-саодати ва келажиги учун бахшида этган буюк Шахсина ана шундай жасоратли, фидойи ва жонқуяр бўла олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида асариди муаллифининг мамлакатимиз ёшларини ёмон кўзлардан асраш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, етарли шароит яратиш бериш, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий тилларни ўргатиш, ривожланган давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртиларига билим ва тажриба олишга юбориш, шунингдек, қишлоқ ёшларига алоҳида эътибор билан қараши, уларга ҳам маънавий, ҳам мод-

дий жиҳатдан ёрдам бериш каби кўплаб муаммоларга тез-тез тўхталиши, уларнинг ечимларини топиш чораларини белгилаши, юқори минбарлардан туриб, қўйилган масалаларни ҳал этишда катта-кичик раҳбарларни фаол иштирок этишга даъват қилиши — буларнинг ҳаммаси имон-этиқодли, меҳроқибатли, ор-номусли, фидойи, ташаббускор, жонқуяр, мард ва жасур, халқи ва юртига садоқатли бўлган, чуқур билим ва тажрибали, ўзини, ўзлигини англаган, юксак маънавиятли ёшларни камол топтиришга қаратилганлиги ёрқин кўриниб турибди.

Ислон Каримов миллат ва мамлакатнинг келажиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган бундай улугвор ва долзарб масалаларни ҳам давлат раҳбари, ҳам шу қўлтуғ юрт ва шу буюк халқнинг куйинчак бир фарзанди сифатида доғишмандлик билан замон талабларига тўла жавоб берадиган даражада ҳал эта олди десак, фарзандларимизнинг миннатдорлик туйғуларига тўлиб-тошган фикрини ифода этган бўламиз.

Асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, ёш китобхон уни ўқиш ва ўрганиш жараёнида муаллифининг ўйлари, кечинмалари-ю, ташвишлари, кескин хатти-ҳаракатлари-ю, кескир қарорларининг шоҳиди бўлибгина қолмай, тўғридан-тўғри уларнинг иштирокчисига ҳам айланади. Бу эса муаллиф мақсадни бор бўй-басти ила англашда, ундаги ноёб ҳислат ва фазилатларни ўзида шакллантиришда, оқни қорадан, яхшини ёмондан, зғуллини ёвузликдан ажрата олишда жуда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асари буюк келажак бўсағасида турган мамлакатимиз ёшларининг ниҳоятда юксак вақт ичида бир тузумда қилган ишчи янги тузумга қандай қилиб ўтганимизни, буюк неъмат — Мустақиллик нималар ҳисобига қўлга киритилганини, бу оғир йўлда давлатимиз раҳбари қандай иш тутганини, қандай машққатли синовларни бошидан кечирганини, айниқса, янги Ўзбекистон тарихини мукамал билишларида асл манба сифатида гоётада қимматлидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ.



## Инспекторларнинг маҳорати оширилди

Тадбир

Мустақиллик йилларида республикаимиз ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларнинг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда ушбу Фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги "Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИВ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу асосда милиция участка инспекторлари бўлинмалари негизда профилактика инспекторлари институти ва ҳар бир маҳаллада милиция таънч пунктлари ташкил этилди.

Жорий йилнинг 10 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бир ой мобайнида Академия ҳарбий далаполиғони масканида касбий билим ва маҳоратини оширган 600 нафар профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда ИИВ раҳбарияти, вазирлик таркибидаги бош бошқарма ва соҳавий ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Дониёр Рофиев. — Натижада 3 мингта бўш иш ўринлари аниқланган, вақтинчалик ишсиз фуқароларга йўланмалар берилди. Тумандаги ННТлар ва баъзи сиёсий партиялар биз билан яқин ҳамкорлик қилишди.

Бир ойлик ўқув йиғиндан

кўзланган асосий мақсад профилактика инспекторининг тажриба, билим ва амалий кўникмаларини оширишдан иборатдир. — дейди ИИВ Хукузбузарликларни олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи У. Нарзуллаев. — Профилактика инспекторлари нафақат ҳуқуқий, касбий билимга, балки жисмоний ва жанговар тайёрликка ҳам эга бўлишлари зарур. Бу ерда ўқув машғулотларининг барча турлари, жумладан маъруза, мунозара, амалий, шунингдек, жисмоний жанговар тайёрлик машғулотлари тажрибали



мутахассислар, академия профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилмоқда. Шу билан бирга, маъруза заллари, ўқув методик хоналар, ўқ отиш тайёрлигини ўқатиш учун тир ва спорт заллари профилактика инспекторлари ихтиёрида.

Ўқув машғулотлар жараёнида ўзларнинг билимга чанқоқлигини, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш қобилиятига эгаллигини, касбий кўникма ва тажрибаларини оширишга фаол иштирокини, амалда қонун ва ИИВ меъёрий ҳужжатларининг талабларини яхши билган ҳада амалиётда тўғри қўллаш олган 34 нафар профилактика

инспектори фахрий ёрлик ва қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Битирувчилар бугунги кунда профилактика инспекторларига билдирилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан халққа, Ватанга, Президентга, касбга содиқ қолган ҳолда ўз хизмат вазифаларини доимо сидқидилдан бажаришга ваъда бердилар.

Шаҳзо БАБАЕВА,  
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори.  
Шавкат КАҲХОРОВ  
олган суратлар.

# ХДП: карвондан ортда, ташаббустга томошабин

### ёки партиянинг Самарқанд туман кенгаши ислохотларнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолаётгани хусусида

Партияларо рақобат

— Биз ўз депутатларимизни туман Кенгашидаги муҳокамалар бошланмасдан кам деганда уч соат олдин хабардор қиламиз ва кун тартибига қўйилган масалалар билан таништирамиз, — дейди ХДПнинг халқ депутатлари Самарқанд туман Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари бўлиб ишлаган (худудий қўшилишдан сўнг ҳозир Самарқанд шаҳар депутати) Насриддин Соъдуллоев.

Мана буни сиёсий ҳаракатлар майдонидаги «ҳозиржавоблик» деса бўлади.

Атиги 3 соат олдин! Нега уч кун ёки уч ҳафта илгари эмас? ХДП депутатларининг муҳокамага киритилаётган масалалар хусусида йўлсиз, мулоҳаза юритишга ва ўз сиёсий позицияларидан келиб чиққан ҳолда мустақил хулоса билдиришларига 3 соатлик муҳлат қийоми? Уч соатдан кейин муҳокама этиладиган кун тартибининг қимматли ишлаб чиққан ва қимлар тасдиқлаши зарур?

Булар ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Даставвал, ХДПнинг Самарқанд тумани кенгаши фаолияти ва партиянинг маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан ўзаро алоқалари хусусида.

Халқ демократик партияси Самарқанд тумани кенгаши ўтган сайловлар арафасида салмоқли вазифаларни бажаришга қодир номзодларимиз бор, деб қўнчилиқни ишонтира олган эди. Маҳаллама-

маҳалла юриб қилинган тарғиботлар ўз натижасини берди ва ХДПнинг 12 нафар номзоди маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланди. Бу Самарқанд туман Кенгашидаги депутатларнинг тенг ярмини ташкил этади. Демак, ХДП депутатлик гуруҳининг туманда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштироки ана шу нуфузга яраша бўлиши керак. Афуски...

Бугун номзодларни тавсия этган ва депутатлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш зарур бўлган партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи ўртасида алоқалар узилиб қолган. Буни доимий комиссияларда иш юритаётган ХДП депутатларининг фаолияти самарасиз бўлаётганлиги, партия дастурий гоёларини етарлича қамраб олмаётганлиги ёки оддий қилиб айтганда ижро ҳокимиятининг йўриғидан чиқмаётганлигидан ҳам билиш мумкин.

Эътибор беринг: ХДПнинг депутатлик гуруҳи сайловлардан сўнг ўтган вақт мобайнида ҳали бирорта долзарб масалани туман Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқишга ва тегишли қарор қабул қилинишига эришолгани йўқ.

Туман кенгашида кўпчилик овозга эга депутатлар бошқарувда очиклиқни таъминлаш мақсадида ижро ҳокимияти раҳбарларидан бирортасининг ҳисоботини эшитиш талаби билан ҳам чиқишолмаган. Депутатлик назоратининг самарали усулларидан ҳисобланган депутатлик сўровлари киришти ва уларнинг ижросини таъминлаш хусусида ҳам электротарти тинчлангандан хулосалар билдириш қийин.

Туман партия кенгаши раиси, маҳаллий Кенгаш депутати Қиммат Норматовга сайловлардан бўён ўтган вақт мобайнида бор-йўғи иккита депутатлик сўрови киритилганлигини ва улар оқова сув ҳамда табиий газ таъминотидаги муаммоларни бартароф этишга қаратилганлигини таъкидлайди. Лекин депутатлик сўровидан кейин ҳам иччиллик сув ва газ таъминотидаги аҳвол ўзгаргани йўқ.

Асли ХДПнинг ҳаракат дастурида фуқароларнинг, айниқса, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, уларни муносиб иш ва турмуш шароити билан таъминлаш мақсадларига устувор мақсад сифатида талқин этилган сир эмас. Лекин ХДПнинг мазкур

туман кенгаши фаолиятидан яқинроқ хабардор бўлган киши партия бу вазифаларнинг ҳал этилишида сусткашликка йўл қўяётганини сезади.

— Ўтган йили қорхона ва ташкилотларда 9 марта бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказдик, — дейди туман Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Дониёр Рофиев. — Натижада 3 мингта бўш иш ўринлари аниқланган, вақтинчалик ишсиз фуқароларга йўланмалар берилди. Тумандаги ННТлар ва баъзи сиёсий партиялар биз билан яқин ҳамкорлик қилишди.

Бирок бандликка қўмақлашиш маркази раҳбарининг маълумотида ХДПнинг иштироки тилга олинмади. Сайловларда фуқароларни иш билан таъминлашни асосий шiori қилиб қўтарган Халқ демократик партияси бугун бошқа сиёсий партияларнинг ташаббусига четдан жимгина кузатувчи бўлиб қолди билан қийофланмоқда. Бандликка қўмақлашиш марказининг маълумотида кўра, ҳозир туманда 9385 нафар пенсионер ва ногирон турли имтиёزلардан фойдалана келмоқда. Уларга ва бошқа эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатишда сиёсий партиялар билан ҳамкорлик ва ижтимоий назорат муҳим аҳамият касб этади. Бирок ХДПнинг туман кенгаши лоқал шу масалада бандликка қўмақлашиш марказига арзигулик таклиф билдиролган

эмас. Марказ фаолиятида муаммолар ҳам бор! Партия кенгаши эса ўз депутатлик гуруҳи орқали мазкур тизим фаолияти бўйича зарур ҳисоботларни эшитишга вақт тополмаяпти.

Эки мана бу мулоҳазаларга эътибор беринг. Туман пенсия жамғармаси идораси раҳбари Илҳом Ваҳобовнинг таъкидлашича, нафақа тўлашнинг янги тизими жорий этилганда бир миллион сўмликдан зиёд пенсия пули нотўғри тўланганлиги аниқланган. Шундан сўнг жамғармага фуқаролардан жуда кўп ариза ва шикоятлар тушган. Ана шу муножаатларни ўрганиш асосида ўнлаб аризалар ижобий ҳал этилиб, пенсия миқдори қонуний белгиланганлиги ҳақида қайта хулосага келинган. Ҳўш, пенсия таъминоти тизимида шаффоқлиқни таъминлашга ким масъул? Депутатлар эмасми?

Ва шу ўринда фуқароларнинг муножаатлари асосида ишлайдиган ХДПнинг «Жамоатчилик қабулхонаси» қаерда қолди, деган ҳақли савол туғилади. Гап шундаки, партиянинг туман кенгаши жамоатчилик қабулхонасига эга эмас. Кенгашининг ўзи «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ёнига жойлашиб олганлигидан бу ерда партиявий ишларни юришти, фуқароларни қабул қилиш ўзига хос мураккаблиқни туғдирмоқда. Туман партия кенгаши раиси ўринбосари Маҳфуза Илёсова айни чоғда «Маҳалла» жамғармасининг бош мутахассиси вазифасида

эканлигидан ҳар икки ишни эплашга бирдек имкон тополмаётганлигини таъкидлаш билан вазиятни ўзича изоҳламоқчи бўлади.

Туманда партия аъзоларининг сони қанчалиги билан қизиқганимизда раис ўринбосари 97 нафарни ташкил этишини таъкидлади.

— Аслида-ку, 720 нафар, лекин аъзолик бадалларини тўлаётганлар атиги 97 нафар, — дея маълумотга аниқлик киритмоқчи бўлди у.

ХДПнинг бошланғич ташкилотлари сони эса 150 та экан. Энди ўзингиз хулоса чиқараверинг, аъзолик бадалларини тўламаётган, демакки партия Кенгаши билан алоқани узиб қўйган БПТлар фаолияти самарадорлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

Мақоламизнинг бошида таъкидланган ХДПнинг депутатлари туман Кенгашидаги муҳокамалардан 3 соат олдин хабардор бўлишлари масаласига қайтсак. Гап шундаки, муҳокамага тақдим этилаётган масалаларни аввалгидек ижро ҳокимияти аппарати ходимлари тайёрлаб, ҳатто зарур ечимларни ишлаб чиқаётгани депутатларга ортинча «ташвиш» туғдираяпти. Башарти муҳокамага киритилган масала шахсан депутатлар иштирокида доимий комиссияларда чуқур ўрганилиб, электротарти фикири билан солиштирилиб, зарур хулосалар чиқарилганда эди, қарор қабул қилиш тартиби бошқача бўлган, де-

путатлик гуруҳи эса қайси масалани қандай ҳал этиш хусусида анча илғари аниқ тасаввурга келган бўларди. Бирок ХДПнинг депутатлик гуруҳи сиёсий фаолият майдонида танҳо, партия кенгаши эса яқка-ёлғиз ҳаракат қилишни маккул қўришмоқда. Улар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштирувчи куч эса топилаяпти. Эҳтимол шу боисдан ХДПнинг туман кенгашида маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилмаганлиги, жамоатчилик назорати қабулхоналари йўқлиги, депутатлик сўровлари иш бермаётганлиги партия нуфузига ўз таъсирини кўрсатаяпти, деб айтиш мумкин-дир.

Аслини олганда Самарқанд туманида ўрганишга, қўллашга лойиқ ташаббуслар етарлича. Жумладан, «Адолат» СДП инновацион технологияларни, хусусан, томчилатиб сугориш усулини кенг жорий этиш ташаббуси билан чиқмоқда. Ва, бу ҳаракат аллақачон ўз ижобий самарасини берди ҳам. Лекин ислохот қарвонида ХДПнинг қадамлари суст, иштиёқ паст. Кеча сиёсий рақобатда сон билан гурурланиб улоқни олиб кетмоқчи бўлган қавандозлик макеига итилган партия бугун электротарти ишончини оқлаш учун амалий ишларга вақт ва ҳафсала топа олаяпти.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ.



## Иқтисодиёт


Қорақалпоғистон Республикаси:

# Микрокредитбанк — оилалар маъмурлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилади

Таъкидлаш жоиз: кичик бизнес субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда банкларнинг молиявий ёрдами катта бўлмоқда. Ўз ўзидан маълумки, ҳар бир янги кичик бизнес субъекти бу қўшимча иш ўрни ва барқарор даромад манбаи, деганидир. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари томонидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад, жойларда қулай ишбилармонлик субъектлари, фермерлар, ёш оилаларни, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесларини ташкил этишлари учун молиявий қўллаб-қувватлашдир. Қолаверса, «Микрокредитбанк» ОАТБ хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни соғайтириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар ажратишни янада кенгайтиришга катта эътибор қаратиб келмоқда.

"Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг фаолиятига назар ташлар экансиз, ушбу молия муассасаси томонидан мамлакатимизда эл фаровонлигини таъминлаш йўлида эътиборга сазовор ишлар амалга оширилганлиги гувоҳ бўласиз. Таъкидлаш керак, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни энг аввало маҳаллалар билан ҳамкорликдан бошлади. Олис қишлоқларда яшаётган хонадонлар даврасига кириб бориб,

технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар беришни кўпайтириш борасида салмоқли ишларга қўл урилди. Мамлакатимиз Президентининг Фармон ва Қарорларига мувофиқ яратилган имтиёз ва энгилликларга кўра, кичик бизнес субъектларининг миллий валютадаги ҳисоб рақамлари тижорат банклари томонидан тўлов ундирилмасдан очилмоқда, уларнинг кредит аризалари эса уч банк куни давомида қўриб чиқилмоқда. Натигада,



йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўп кредитлар ажратилди. Бу эса ўз навбатида жойларда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш имконини берди. Фақат бу эмас. Нооziк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга **2,2 миллиард сўмдан** ортиқ ёки 2010 йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўп кредитлар узатилиши таъминланди; — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақ-

қайд этиш лозим, банклар томонидан кредитлар ажратишда асосий эътибор республиканинг олис овул ҳамда қишлоқларида, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туманларида тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларга яратилган имтиёз ва имкониятлар, қўрсатилган банк хизматларини тўлқинтириш, оилавий бизнес ва хунармандчилигини ривожлантириш қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятнинг барча туманларида истиқомат қилаётган ҳар бир оиланинг турмуш тарзи юксалиб, уларнинг фаровонлиги тўқис таъминланиб бораётганлигида қўриш мумкин.

"Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган жорий йилда ҳам банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш республикада устувор вазифалардан бири бўлиб, бу орқали ҳар бир оила фаровонлиги ортиси, айниқса ёш оилалар учун бахтли турмуш тарзи яратилиши борасида ишлаб чиқилган давлат дастури асосида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган ва бу чора-тадбирлар ижроси



ўларнинг имкониятларини ўрганди. Мухими, эҳтиёжманд оилалар турмуш шароитини яхшилаш, оддийгина бўлса ҳам ҳар кимга ўз тадбиркорлигини ташкил этиш ва ўзига яраша даромад манбаини яратишга кўмаклашди. Буни банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали фаолияти мисолида кўрайдиган бўлсак, ўтган йили тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳити яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажминини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига ҳамда бошланғич сармояни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни

биргина ўтган йили банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан **1,3 баробарга ўсиб, 19 миллиард сўмни** ташкил этди. Ушбу кредит маблағларининг **11 миллиард сўмини** микрокредитлар ташкил этиб, мазкур кўрсаткич ҳам 2010 йилдагидан қарийб **1,4 баробарга** ошди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички бозорни тўлдириш учун аниқ дастурий режа асосида озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга **2,8 миллиард сўм** ёки 2010

садлари учун **2,7 миллиард сўм** ёки 2010 йилга нисбатан **3,8 баробардан** зиёд кредитлар берилди; — аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш мақсадлари учун



**2,2 миллиард сўм** ёки 2010 йилга нисбатан **3,1 баробар** ошик кредитлар ажратилди; — касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш мақсади учун **350 миллион сўм** микдоридан ёки 2010 йилга нисбатан **1,2 баробарга** кўп имтиёзли микрокредитлар йўналтирилди. Ўз навбатида, 2011 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар самараси ўлароқ худудда **7 844 та янги иш ўринлари** яратилди.

изчиллик билан бажарилмоқда. Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Қорақалпоғистон Республикаси молиявий муассасаси Мустаҳкам оила йилида оилалар маъмуриликни таъминлаш йўлида уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг қанот ёзиши учун катта савъ-ҳаракатларни давом эттирмоқда ва бу борада банк жамоаси бор куч-ғайратини аямаётир.

Абдуғани СОДИҚОВ,  
"Adolat" мухбири.

Реклама ўрнида



## Банк кредитлари

мамлакат иқтисодиёти ривожига, халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақиятида Республика «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ва унинг жойлардаги филиалларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Банк томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, оилавий тадбиркорликни, хунармандчилигини, маиший ва сервис соҳасини ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат ва нооziк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар, айниқса, қўрилган самарани бермоқда. Бунинг банкнинг Сурхондарё вилояти филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.


Кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан берилган кредитлар жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 6.813 миллион сўмни ташкил қилди. Бошқача айтганда, ушбу муддатга мўлжалланган прогноз-режа ортиси билан, яъни 105 фоизга бажарилди ёки ўтган йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан ажратилган кредит салмоғи қарийб 46 фоизга ошди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 771 та иш ўрни яратилди.

Шу ўрнида мисолларга мурожаат қилсак. Денов туманидаги И.Файзуллаев бошчилик қилаётган фермер хўжалиги 173 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит билан таъминланди. Натигада бу ерда сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди, 13 та янги иш ўрни барпо этилди. Халқимизнинг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини маълум даражада қондиришга эришилди. Худди, шунингдек, Бойсун туманидаги «Бойсун Текс» кичик корхонасига ҳам 125 миллион сўм микдоридан узоқ муддатли кредит берилди. Хомашё ва ускуналар сотиб олиш мақсадида ажратилган ушбу молиявий ёрдам натижасида 15 киши муқим ишли бўлди. Буларнинг барчаси вилоятда қўшимча иш ўрин-

Банк-молия муассасаларининг мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш, халқ фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни бекиёс. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ банк соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, республикадаги молия муассасалари бугунги кунда иқтисодиётнинг ҳақиқий таянчига айланди.

лари ташкил этиш ва банкка нақд пул тушуми салмоғини янада оширилишини таъминламоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан банкнинг туман филиаллари 38 та ёш оилага 172 миллион сўм микдоридан кредитлар ажратди. Бу амалдаги йилнинг 1-чорага мўлжалланган режа 113 фоизга бажарилди, дегани. Энг

«Сурхондарё вилоятида 2012 йилда қишлоқ хўжалигидаги устувор вазифаларни амалга оширишда мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги дастурига 54 та истиқбол-ли лойиҳа киритилган. Дастурга кўра 6 миллиард 848 миллион сўмлик банк кредити ҳисобидан 202 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шундан чорвачиликни ривожлантириш мақ-



муҳими эса, жамият таянчи ҳисобланган оилалар фаровонлигига ҳисса қўшилганлигидир.

Таълим муассасалари битирувчиларини доимий даромад келтирувчи иш жойлари билан таъминлаш, айниқса, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса мазкур йўналишдаги ишлар ривожига катта туртки берди. Фармонга асосан жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида 52 нафар коллеж битирувчисига 155 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Аслида эса бу вақт мобайнида ушбу кўрсаткич 114 миллион сўм деб режалаштирилган эди.

садида 17 та миқозга 1 миллиард 313 миллион, паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 8 та миқозга 4 миллиард 350 миллион, балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 11 та миқозга 395 миллион сўм, асарчиликни ривожлантириш мақсадида 18 та миқозга 790 миллион сўм йилда қишлоқ кредитлар ажратилиши кўзланмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнес ривожини учун 37.70 миллион сўм микдоридан турли шаклдаги кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» ОАТБ Сурхондарё вилоят филиали жамоаси ўз олдига ягона — эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишдек эзгу мақсадни қўйиб, меҳнат қилмоқда. Хайрли мақсад-мудоаларнинг рўёбга чиқиши шубҳасиздир.

Индиряхон ИСМАТХЎЖАЕВА.

## Банк хизматлари кўргазмаси

Яқинда «Ўзкўргазмасавдо» Республика ярмарка-савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «BankEXPO — 2012» банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада тадбиркорликни, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режасини қўллаб-қувватлашда банклар билан кенг ҳамкорлик қилиб келатган бир қатор ташкилотлар ўз хизматларини намойиш этмоқда.

Кўргазмада ёш оилалар, оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари, уй меҳнатини энгиллаштириш мақсадида хотин-қизларга таклиф этилаётган банк хиз-

матлари бўйича батафсил тушунтиришлар берилди. Шунингдек, банк-молия соҳасининг янги замонавий технологиялари ва хизматлари, хусусан, интернет банкинг, мобайл банкинг, замонавий пул ўтказмалари, банк ва молия муассасалари учун ахборот технологиялари, пластик карталар билан ишлаш ва уларнинг афзалликлари ҳусусида батафсил ахборот олишди.

Рисолат ҲАСАНОВА.

## Балиқчилик: имконият ва истиқбол

Республика ҳукуматининг балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар дастурини бажаришда Самарқанд вилоятида салмоқли ишларга қўл урилмоқда. Ўтган йили 40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилиб, салкам 400 тонна пархез гўшт етиштирилди. Жорий йилда эса бу микдорни икки баробарга кўпайтириш белгиланган.

Жомбой туманида балиқчилик фермер хўжалиklarини ривожлантириш мақсадида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Балиқчилик билан шуғулланаётган фермерларга зарур кредит маблағлари, омухта ем ўз вақтида ажратилмоқда. 13 та балиқчилик хўжалиги истиқболли соҳанинг имкониятларини амалда намойиш этишга интилишмоқда.


Одил Бегматов жомбойлик балиқчиларнинг пешқадам вакиллари билан бири. 5 гектарлик ҳовузда оқ амур, зогора, дўнгешона, ширмоий сингари балиқларни парваришлаётган фермер бу йил савдога 10 тонна маҳсулот чиқаришни мўлжаллаган.



З.ТЎРАҚУЛОВ.

«Микрокредитбанк» ОАТБ

Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан 2011 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар



■ Жами кредитлар □ Шу жумладан микрокредитлар



# Интернетдаги ижтимоий тармоқлар

## ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Долзарб мавзу

Бугун Интернет нима эканлигини деярли барчамиз яхши биламиз. Унинг ижобий ва салбий жиҳатларидан ҳам хабардоримиз. Бироқ жаҳон ахборот тўрида нисбатан унча узоқ бўлмаган муддат ичида пайдо бўлиб, ҳозирда шиддат билан ривожланиб бораётган ва миллионлаб инсонларнинг хатти-ҳаракати, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий қарашлари, қолаверса, тақдирига бевосита таъсир этаётган ижтимоий тармоқлар ҳақида нималарни биламиз? Уларнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?

Одатда Интернетдаги ижтимоий тармоқ бу турли мақсадларда Интернетдан фойдаланувчилар сарф этаётган умумий вақтнинг ўртача ҳар олтинчи дақиқаси айнан ижтимоий тармоқларга тўғри келмоқда. Бундай тармоқлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони эса бугунги кунда 1 миллиард 200 миллион кишидан ортиб кетди, яъни инсонларнинг деярли ҳар олтинчиси "виртуал ижтимоий ҳаёт"га эга. Яна бир эътиборли жиҳати — ушбу рақам кунга 200-250 миң кишига кўпаймоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқлар уларнинг ташкилотчилари учун энг аввало, муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Чексиз ахборот умминини пулга айлантириш иштиники бундай тармоқ эгаларининг жуда тез бойиб кетишига хизмат қилмоқда. Айниқса, бундай ахборот деярли текинга, одамларнинг ўзи томонидан ижтимоий тармоқларга юкланаётгани ҳам ушбу йўналишни энг камчиқим бизнесга айлантирди.

Масалан, Интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ҳозирда энг йириги ҳисобланадиган "Фейсбук" (Facebook) да 850 миллион профили — фойдаланувчиларнинг шахсий саҳифалари қайд этилган бўлиб, Буюк Британияда нашр этиладиган *The Economist* журналининг маълумотларига кўра, мазкур компаниянинг 2011 йилдаги соф даромади 1 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган. Натижада жаҳоннинг энг ёш миллиардерига айланган "Фейсбук" муаллифи ва раҳбари, 27 ёшли Марк Цукерберг ихтироси миллионлаб кишиларнинг "онлайн паспорти"га айланиб улгурди.

Шубҳасиз, ижтимоий тармоқлар миллионлаб инсонлар учун қатор енгилликлар яратди. Жумладан, исталган пайтда, сайёрамизнинг исталган жойидан ижтимоий тармоққа уланиб, ўз дўст-биродарларингиз, қариндошлар, ҳамкасблар ва бошқалар билан мулоқот қилишингиз, улар ҳолдан бохабар бўлиб, жаҳонда рўй бе-


раётган янгиликлар, турли қизиқарли маълумотлар, ҳаётингизнинг муҳим онлари акс этган фотосуратлар, видеолар ва бошқа турдаги ахборот билан ўртоқлашингиз мумкин. Энг асосийси, бу жуда қулай ва нисбатан арзон алоқа воситасидир.

Бироқ бундай тармоқларнинг ижобий жиҳатларидан ташқари заиф томонларини ҳам биламизми? У ерда бизни қандай хавф-хатарлар кутмоқда? Мазкур мақола мақсадлари учун ўтказилган сўровномада иштирок этган пойтахтлик бир гуруҳ талабалар ва бошқа ёшларнинг барчаси ўз жавобларида Интернет тармоқидан фойдаланишларини ва уларнинг деярли 90 фоизи ижтимоий тармоқларда шахсий профилларига эга эканликларини айтганлар. Сўров натижаларига кўра, ўзбекистонлик "ижтимоий тармоқчилар"нинг 70 фоизи "Фейсбук" ва "Одноклассники"дан, қолган 30 фоизи эса "МойМир" ва "в Контакте" каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маълум бўлди.

Сўровномада қатнашганларнинг аксарияти бундай тармоқларга юкланган шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш жуда мураккаб ва қийин масала, деб кўрсатдилар. Профил эгалари ижтимоий тармоқларга ўртача икки кунда бир марта кириб туришларини айтган бўлсаларда, уларнинг кўпчилиги тегишли сайтлардан берилган ижтимоий тармоқдан фойдаланиш қоида ва шартлари билан танишиб чиқмаганлар. Аксарият кишилар бу борадаги миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳам таниш эмас, улар ўз хатти-ҳаракатларини умумий тушунчадаги одоб-ахлоқ қоидаларига асосида амалга оширадилар. Бироқ бундай қоидаларга беписанд бўлаётган юзларча ҳам "кибер олам"да кўплай топилди.

Сўровномада иштирок этганларнинг ҳеч қайси бири: "Интернетдаги ижтимоий тармоқ орқали Сизга зарар етказган шахсни жавобгарликка торта олишингизга ишонасизми?", деган саволга қатъий тарзда ижобий жавоб бера олмади.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Биргина 2011 йил давомида бундай хизматлар ҳажми салкам 42 фоизга ош-



ган. Мамлакатда Интернетдан фойдаланувчилар сонининг 8 миллион кишига етгани бунинг тасдиғидир. Умумий таҳлиллар шундан далolat бермоқдаки, Интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга муккасидан кетган минглаб кишилар ўзларининг реал ҳаётдаги оилавий ва ижтимоий муносабатлари, ўқиш ва иш жараёнидаги мажбуриятларига етарли даражада эътибор қилмаётган ва масъулиятсиз ёндашаётган ҳолатлар ҳам, афсуски, авж олиб бормоқда. Масалан, Gallup тадқиқот агентлиги келтирган маълумотларга кўра, АҚШ ва Канадада ҳар учинчи оила ажралишига ижтимоий тармоқ сабаб бўлмоқда экан. Афсуски, ўсиш тенденциясини намойн этаётган ушбу ҳолатни Европа мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, бир томондан, инсоният тамаддуни ва маданиятига путур етказадиган аудио-визуал ва контент маълумотларнинг тарқатилиши, масалан, зуравонлик, порнография, педофилия сахналарининг эълон қилиниши, иккинчи томондан, унинг ўзига хос "ахлатона", бошқариб бўлмас ахборот майдони, дезинформация, ёлгон ва туҳматлар манбаи айланиб қолётгани Интернетнинг устунликлари ва қулайликларини иккинчи даражага суриб қўяпти.

Шубҳасиз, халқаро ҳамжамият ушбу муаммонинг ечимини излаши даркор. Дунёнинг етакчи мамлакатлари сая-ҳаракатини биллаштирган ҳолда Интернет иш тартибининг ҳуқуқий асослари ва меъёрларини ишлаб чиқиши зарур. Бу борада маълумий зарар етказиш, одоб-ахлоқ нормаларини бузиш ва ахборот коммуникация борасидаги бошқа тартибсизликлар учун жавобгарлик чораларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Шунда Интернетнинг салбий жиҳатлари камаляди, асосий эътибор унинг фойдали томонларига қаратилади. Интернет дунёнинг энг машҳур кутубхоналарига, етакчи университетлар ва тадқиқот марказларининг илмий лабораторияларига олиб киришини, масофавий таълим, электрон тижорат ва бошқа қимматли воситалар эшигини очиб беришини

инобатга олсак, тадбиркор, изланувчан инсон учун унинг бебахо имкониятлар манбаи экани аён бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нисбатан қийин ва мураккаб масала эканлигига қолмоқда. Айрим давлатлар жаҳон ахборот тўридаги ижтимоий тармоқлар билан боғлиқ фаолиятни ў ёки бу даражада ҳуқуқий тартибга солишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада АҚШ, Германия, Франция, Хитой каби давлатлар тажрибасининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш мумкин.

Қатор оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, Хитойда шу йил март ойидан эътиборан Интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фақат ўз исми-шарифи остида фойдаланиш шарт қилиб қўйилди. Хар-хил "никнейм"лар, яъни тахаллус ва лақаблардан фойдаланиш тақиқланди. Бундай виртуал тармоқлардаги мавжуд "никнейм" эгалари уч ойдан кечиктирмай ўз тахаллус ва лақабларини фуқаролик паспортларида қайд этилган исми-шарифларига ўзгартиришлари талаб этилмоқда.

Давлатларнинг яқка тартибда ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган уринишлари ҳали-бери қутилган натижаларни бермаёпти. Интернетнинг глобал хусусиятини эътиборга олиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ундаги ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, нуфузли халқаро ташкилот — БМТ доирасида Интернетни, шу жумладан, ундаги ижтимоий тармоқларни, ҳуқуқий тартибга соладиган махсус халқаро норматив ҳужжат ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мақсада мувофиқ ҳисобланади.

**Санжарбек ТОШБОВЕВ,**  
Адлия вазирлигининг қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси бош мастиҳатчиси.

Мулоҳаза

Яқинда бир танишим суҳбат орасида беш-олти йилдан бери Ўзбекистон телеканалларини томоша қилмаётганини, чунки параболик антенна сотиб олиб, шундан фойдаланаётганини айтиб қолди. Унинг фарзандлари ҳам фақат хориж телеканалларини томоша қилиб, ўзларига керакли маълумотларни эса фақат интернетдан олишаркан.

Бугун атрофингизга яхшилаб разм солинг, авваллари фақат шаҳарларда, кўп қаватли уйлар тепасида бундай антенналар онда-сонда учраб турарди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони эскин кўпайиб кетди. Бундай "тарелка"ларни деярли ҳар қадамда учратиш мумкин. Нафақат томларда, балки шундоққина деразалар ёнларида ҳам. Ажабланарли томони, энди бундай манзаралар қишлоқларимизга ҳам кенг ёйилди.

# Табиатда бўшлиқ бўлмайди

Шу юртда яшаб туриб, шу юрт оммавий ахборот воситаларидан, хусусан, телевидениесидан фойдаланмайдиган, хорижий телеканаллар ҳамда дунёни ўргинчак тўридай қараб олган интернет тармоғи узатаётган маълумотларни ҳақиқат сифатида қабул қиладиган юртдошларимиз, уларнинг фарзандлари маънавияти, дунёқараши ҳақида нима дейиш мумкин?

Шу заминда яшаб туриб, жамиятда кечаётган воқеа-хадислар ҳақидаги маълумотлардан гофил қолиш кишини не кўйларга солишини тасаввур қилиш унчалик мушкул бўлмас керак.

Албатта, ҳеч ким хориж телеканални томоша қилишга қарши эмас. Биз фикрлар хилма-хиллигига асосланган демократик жамиятда яшамокдамиз. Бунинг устига тил билганга нима етсин. Ҳеч ким жамияти аъзоларини Хитой давлати ичига қамаб қўймоқчи ҳам эмас. Аммо берилётган маълумотлар оқими нимага ва кимга хизмат қилмоқда? Гап ана шу хусусда кетмоқда.

Назаримда, бу мисолда ота-онанинг фарзандлар тарбиясига нисбатан лоқайдлиги, эътиборсизлиги кўриниб турибди. Бепарволик, лоқайдлик эса жамият илдишга тушган қурт билан баробар.

Маълумки, Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида ўтказиладиган

тантанали маросимда қиладиган маърузаси жамоатчилик, юртимиз ҳаётида катта воқеа бўлиб қолмоқда. Бу беҳиз эмас, албатта. Маърузада Юртбошимиз ўтаётган йилга ҳолис баҳо бериб, эришилган муваффақиятларни тилга олган ҳолда, келгуси йилни қандай номлаш хусусида ўз тақлифини билдиради.

Албатта, йилдан йилнинг фарқи бор. Юртимизда ҳар бир кириб келаётган йилга алоҳида эътибор бериш аҳна-наси, мустикалик йилларида ўзининг катта самарасини берди. Зеро, йилнинг муайян тарзда номланишига қараб махсус давлат дастурлари тузилади, йирик миқдорда маблаглар ажратилади, қатор чора-тадбирлар амалга оширилади. Энг асосийси, муайян соҳа ёки жабага алоҳида эътибор қаратилади.

Шу асосда, ҳаётимизда, турмушимизда алоҳида эътибор қилинган соҳа ва жабаларни чуқур ҳис қилган ҳолда, йиллар шунга мувофиқ равишда номланмоқда.

2012 йил — Мустақкам оила йили. Оила нафақат жамиятнинг кичик-бир ячейкаси, балки таълим-тарбия маскани ҳамдир. Ахир куш уясида кўрганини қилади. Ота-онанинг жамият олдидаги бурчи эса ўз фарзандларига тўғри тарбия беришида намойн бўлади. Ахир биз фақат ўзимизнинг шахсий фаровонлигимизни эмас, энг аввало ақилларимизни ўйлайдиган халқимиз.

Мустақиллик давримиз қисқа муддатда рўй берган янги ижтимоий муносабатлар, янги қарашлар ва нуқтаи назарлар билангина эмас, мутлақо янги: фикри теран, маънавияти юксак авлод етишиб чиқгани билан ҳам тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилса арзийди. Истиқлол янги Инсонни, Озод Инсонни яратди. Мафкуравий таълиқлардан эркин, коммунистик идеология ёки "Коммунизм қурувчининг ахлоқ кодексини" қолипларига мажбуран солинган янги Инсон шаклланди. Озод Инсон озодлик шароитидагина қамолга етади. Биз яратилган эркинлик муҳитида фарзандларимизнинг қомил инсон бўлиб етишишига ҳаракат қиляпмиз. Шундай экан, юқорида тилга олинган "тарелка" ишқибозлари ҳеч бўлмаса ўз оиласининг, фарзандларининг келагини яна бир бор жиддийроқ ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Зеро, ёш авлод тарбиясида масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси муҳим. Ҳали дунёга хайрат қўзи билан қараётган ўсиб келаётган авлод онгшуури, қалби илдиши йўқ "оммавий маданият" билан эмас, ҳақиқий миллий қадриятлар, ҳақиқий ўзбекона маданият билан лиммо-лим бўлсин.

Абдуҳамид МУХТОРОВ.



# Муסיқа — руҳиятимиз табиби

Йил ўқитувчиси

Эсимда, мактабда ўқиб юрган кезларимиз муסיқа дарси бўлган кун биз учун чинкам қувончли кечарди. Чунки кўй-кўшиқларга ҳамоҳанг тарзда ўтадиган бу фан барчамиз учун ҳордиқ чиқариш, навбатдаги дарслар учун руҳан ва жисмонан тайёргарлик кўриш учун бир имконият эди гўё. Муסיқа ўқитувчимизнинг қўлида гоҳ тор, гоҳ дўтор билан берилиб куй чалганча, ширали овозда айтган куй-кўшиқлари бизни мафтун этар, биз ҳам улар каби жозибали овоз эгасига айланиб қолгимиз келарди. Синфдошларимиз билан биргаликда хор ёки яккахон ҳолда кўшиқ куйлаганимизда ўзимизни нихоятда енгил ҳис этиб, барча руҳий қарчоғу тушқунликлардан холи бўлардик.

Энди билсам барчамизни оҳанграбодек дарсга қорлаган туйғу нафақат муסיқа, санъатнинг киши қалбига хуш ёқиши, танга ором бағишлаши, балки жонқуяр устозимизнинг ўз фанини севиши, машғулотларни қизиқарли ўтказишга интилиб, биз ўқувчиларни санъатга ошувта этиб, ёмон йўллардан асрашга интигани ҳамдир, десам асло муложага эмас.

Сир эмаски, бугун мустикалигимиз шарофати билан мактаб таълим тизимини тубдан ислох этиш, мактабни нафақат замонавий технологиялар, шунингдек, малакали, жонқуяр педагоглар билан таъминлаб, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Дарс ва дарсдан ташқари бўладиган тўғрақ-машғулот-

ларга ўқувчиларни жалб этиш, ёш авлодни маънан ва руҳан баркамол авлод этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, тиниб-тинчимас, фидои устозларнинг меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. Бу эса ўқитувчиларнинг ўз устиди янада ишлаб, билимларини бойитишга, янги амалий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ва дарс самарадорлигини оширишга, турли кўрик-танловларда иштирок этиб, мактаб нуфузини юксалтиришда ўз ҳиссаларини қўшишига ундамоқда. Ўз ўрнида бундай педагогларнинг маҳоратлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб қадрланмоқда.

— Болалигимданок санъатга, кўшиқ куйлашга қизиқишим юқори эди, — дейди пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-ихтисослашган мактабининг

муסיқа фани ўқитувчиси Зулфия Зокирова биз билан суҳбатда. — Шунинг учун бўлса керак, мактабгача таълим муассасасида Раъно опа деган муסיқа раҳбаримизни кўпгина байрам-эрталликларда менга яккахон кўшиқлар куйлатар ва асосий ролларни ишониб топширар эди. Ўшандаёқ бир қанча ашулаларим радио орқали эфирга узатилган. Мактабга борганимда эса муסיқа мактабида ҳам ўқимокчи эканлигимни ота-онамга айтганимда, улар мени Ҳамза номидига 3-сон муסיқа мактабига, скрипка чолғуси бўйича ўқишга олиб боришган. Икки мактабни ҳам аъло баҳоларга тугатиб, Юнус Ражабий номидига муסיқа билим юртига ўқишга кириб, имтиёзли равишда тамомладим. 1996 йилдан мазкур таълим даргоҳига ўқув-

чиларга муסיқа фанидан сабоқ бериб келмоқдаман. Ўқувчиларимизнинг санъатга қизиқиши юқорилигидан жуда хурсандман. Иқтидорли йигит-қизлардан иборат "Little stars" (Кичкина юлдузчалар) номли хор жамоамиз нафақат ўзбек, балки рус ва инглиз тилларида ҳам кўшиқларни севиб қуйлашади. Илм даргоҳимиздаги ҳеч бир тадбир уларнинг иштирокисиз, улар ижро этган Она Ватан, тинчлик, дўстлик мавзуларидаги кўшиқларисиз ўтмайди.

Айримларнинг назарида муסיқа унчалик аҳамиятга эга бўлмаган фан ҳисобланади. Бироқ бундай фикрдаги инсонлар қаттиқ янгилашдилар. Чунки муסיқа инсон руҳиятининг табиби, у билан қанчадан-қанча касалликлар даволанган, тарбия масаласида ҳам муסיқа шакли бўйича панд-насихатлар қуруқ сўз билан ифодаланганига нисбатан самарали таъсир этиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, кўй-кўшиқга қизиқувчи болаларда дарсларни яхши ўзлаштириш, савиянинг юқорилиги, кайфият-

нинг кўтаринчилиги ва айниқса, келажақда бундай йигит-қизларимизнинг санъатга қизиқиши юқорилигидан жуда хурсандман.

Айни кунларда тиниб-тинчимас ўқитувчи Зулфия Зокирова фаолият кўрсатаётган илм масканида шодлик ҳукмрон. Жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида иштирок этган Зулфия Зокирова ўз иқтидорини, педагогик маҳоратини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

— Бу нафақат меннинг меҳнатларим самараси, — дейди йилнинг энг яхши ўқитувчиси, — муסיқанинг баркамол авлод тарбиясида ўрни юқорилигига берилаётган баҳо ҳамдир.

Малоҳат МИНГБОВЕВА.



# Мирзо Улуғбек адашганми ёки компьютер?

## Фан ва тараққиёт

Ўрта аср Шарқ фалакиётшунослиги, жумладан, Марказий Осиё олимларининг фаолияти дунё астрономия фани тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Айниқса, бу борада буюк давлат арбоби ва қомусий олим Мирзо Улуғбек кашфиётлари беназирдир.

Ҳали техника тараққий этмаган бир даврда Улуғбек бошчилигида расадхонада олиб борилган кузатишларнинг ҳисоблаш натижалари ҳозирги илмий таҳлиллардан унча фарқ қилмаганлиги илмий жамоатчиликни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Ўша даврда юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сония деб ҳисобланган бўлса, бугунга келиб эса 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сония эканлиги фанга маълум. Ўртадаги фарқ эса 1 дақиқа 2 сонияни ташкил қилади холос.

Бу ҳақда сўз юритар экан, Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига "1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади. Ушанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тариқасида айтилган бўлса-да, ўйламанки, унинг замирида чуқур ҳақиқат мўжассам", дея эътироф этганлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Буюк бобокалониимиз раҳнамолигида бунёд этилган расадхона ва мадрасалар ҳозирда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида кiritилган.

Мирзо Улуғбек яратган илмий мактаб Хоразм Маъмур академияси аъналарининг уйғун давомчиси сифатида



фаолият юритган бўлса, бугун — ордан олти аср ўтиб унинг муносиб ворислари томонидан қайтадан тикланиб, жадал ривожлантирилмоқда. Бунинг Мирзо Улуғбекнинг издошлари сифатида астрономик тадқиқотларда каттадан-катта муваффақиятга эришган бўлган ёш олимларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

2009 йилда Ўзбекистон


Фанлар Академиясининг Астрономия институти ёш олимлари Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеевлар янги кичик сайёрани кашф этдилар. Марказий Осиёдаги энг йирик астрономик ускуна саналган Майдаанк обсерваториясининг АЗТ-22 русумли телескопида кашф этилган ушбу янги сайёрага 2010 йилда мухтарам Юртбошимиз таклифи билан жаҳоннинг энг кўна ва гўзал шахарларидан бири, астрономия фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган Самарқанд шаҳрининг номи берилди. Бу ҳақда 2010 йил 27 майда чоп этилган Гарварддаги халқаро кичик сайёралар марказининг 70135 сонли циркулярида хабар берилди.

калонларимизнинг хизматларининг эътирофи сифатида берилган.

— Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтининг Майдаанк обсерваторияси нафақат астрономия, балки замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши бўйича ҳам МДХ мамлакатлари обсерваториялари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, — дейди институт директори, Халқаро астрономия жамияти аъзоси, профессор Шухрат Эгамбердиев. — Бунинг далили сифатида Корея университетлари консорциуми томонидан тақдим этилган қиймати 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган астрономик рақамли фотокамерани ("Самарқанд" сайёраси айнан шу камера ёрдамида кашф этилди) ёки 400 минг долларлик робот телескопни айтиб ўтиш мумкин. Ушбу робот телескопни нафақат Тошкентдан, балки дунёнинг исталган нуқтасидан туриб Интернет орқали бошқариш мумкин. Шунинг билан айтиш мумкинки, ушбу телескопнинг узоқ масофадан туриб бошқарилаётгани Астрономия институти ахборот технологияларини амалиётга жорий этиш масаласида мамлакатимизда етакчи ўринда эканини кўрсатади. Бу телескопларда эса ёш олимларимиз хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда илмий кузатишлар олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, Астрономия институтида бундай ишларни ундай оладиган юқори маънавият кадрлар етарли ва улар ёш тадқиқотчилар авлодини ҳам тарбиялаб келмоқда. Демакки, юртимиздан етишиб чиқаётган ёш астрономлар буюк аждодларимизга муносиб ворислар сифатида ҳали дунёни лол қолдирадиган кашфиётлар қилишларига ишончимиз комил.

Илём САХАТОВ.



## www.adolat.uz сайти саҳифаларида:

- Журналистлар ва партияимиз хайрихоҳлари учун онлайн таклифнома! Партия томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашишини истасангиз, "Анонс" саҳифасини кузатиб боринг!
- "Адолат" СДПга аъзо бўлмоқчимисиз? Кенгашга ташриф буюриш шарт эмас, аризонинг онлайн тарзда тўлдириш ва сафимизга қўшилиш!
- Биогаз турлима тақдими, партиялараро дебат ва депутатларимизнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари муҳрланган эксклюзив видеороликни томоша қилишингиз мумкин!



## Муносабат

Йўловчи машинада довол оша водий томон бораями. Қор босган тоғлар кўзга янада тароватли кўринади. Чўққилар расом асарига ўхшаб кетади. Тикилиб тўймайсан.

Ҳамроҳларимдан бири ўзича хўрсиниб, "Эҳ, киш бунча чўзилмаса-я", деганда, бошқа бир ҳамроҳимиз унга дарҳол эътироз билдирди:

— Бу йил ҳақиқий киш бўлди, биродар. Анчадан бери бундай кишни орзулаб юрардик. Худо хоҳласа, хирмонларимиз ҳосилга тўлади. Сув тақчиллиги бўлмайди. Қор — ризқ-рўз, бунга шукр қилишимиз керак.

Биринчи ҳамроҳим ўзининг фикрида туриб олди.

— Киш баҳорнинг ҳисобидан бўлмасин-да, ака, Куздаёқ қор ёққанини унутдингизми? Турғисини айтсам, менга киш ёқмайди. Баҳор, ёз бўлса бўлди, мазза қилиб яйрайсан, чўмиласан, ташвиш қилмайсан...

— Гапларингиз жуда қизиқку. Ўша сизга ёқадиган баҳор, ёз учун киш ростмана бўлиши керак-да. Қор тушмаса, сув

каёқдан келади, ўт-ўлан ниманин ҳисобига кўкаради...

Баҳсга қўшилмадим. Аммо бир нарсга амин бўлдимки, бу дунёда ҳар бир киши ўз дунёқараши ва манфаатидан келиб чиқиб, фикр юритади. Ҳар бир киши ўзини ҳақ деб ҳисоблайди. Устозларимиздан бири айтган гап ёдимга тушади — ўзгаларни тинглай билиш ҳам маданият.

Йўлларда юришининг мароқли бир жиҳати ҳам шунда — турфа хил одамларни учратасан, турфа хил фикрларга гувоҳ бўласан. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини англаб етсанг ба.

Одина НАЗАРОВА.

## Онкологик беморлар бўйича

### маълумотлар базаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги қарори билан Онкологик, тез ёрдам ва шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг моддий-техникавий базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дастури маъқулланди.

Хусусан, 2012-2013 йилларда кўз микрохирургияси, терапия ва тиббий реабилитация, урология, акушерлик ва гинекология, кардиология ва жароҳлик Республика ихтисослаштирилган марказлари акциялаштирилади.

Дастур доирасида онкологик беморларга тез тиббий ёрдамни кўрсатиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг халқаро талабларига тўғри келадиган стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш йўли билан меъриёв-ҳуқуқий базани ҳамда мазкур хизматлар фаолиятини тартибга солувчи меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш режалаштирилган.

Тез ёрдам ва шошилинч тиббий ёрдам тизимида ягона диспетчерлик мувофиқлаштириш маркази ташкил этилади. Тиббий хизматларни сифатли кўрсатиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида туманлар даражасидан тортиб, то республика даражасигача бўлган онкологик беморлар бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ва жорий этиш режалаштирилади.

Онкологик касалликлар профилактикасининг энг самарали усули сифатида соғлом ҳаёт тарзини омдалаштириш мақсадида маърифий ишларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.



## Эрматов олимпиада ўйинларининг рефериси

Ҳамюртимиз Равшан Эрматов Лондонда ўтказиладиган 2012 йилги ёзги Олимпиада ўйинларида ҳакамлик қилади. ФИФА томонидан тақдирланган рўйхатга кўра, Олимпиада ўйинларига ҳакамлик қилишда Равшан Эрматовга ўзбекистонлик Абдуҳамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоровлар ёрдам беришади.

Лондонда ўтказиладиган ўйинлар учун ФИФА турли конфедерациялардан жами 16 нафар бош ҳакам ва 32 нафар ёрдамчи ҳакамни танлаб олган. Шу кунгача тўрт марта-

ба Осиё китъасининг энг яхши ҳаками деб топилган Равшан Эрматов айна пайтда жаҳондаги энг зўр ҳакамлар рўйхатида ҳам муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.

## Дэвис Кубоги плей-офф босқичида

### Ўзбекистон Қозоғистонга қарши ўйнайди

Лондонда Дэвис Кубоги Жаҳон гуруҳининг плей-офф ўйинлари учун қўрға ташлаш маросими ўтказилди. Ушбу ўйинлар 2012 йилнинг 14-16 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси меҳмонда Қозоғистонга қарши ўйнайди. Жутлик голли 2013 йили Дэвис Кубогининг Жаҳон гуруҳида ўйнайди. Мағлублар эса Биринчи гуруҳда қорға тушади. Дэвис Кубоги рейтингининг охири версиясида Қозоғистон 9-ўрини, Ўзбекистон эса 21-ўрини эгаллаб турганди. АТР рейтингиде эса, ўзбек теннисчилари орасида энг яхши натижани Денис Истомин қайд этган бўлиб, у 42-ўринда, Қозоғистоннинг энг кучли вакили Михаил Кукушкин эса 70-погонани эгаллаб турибди.

Эслатиб ўтамиз, теннис бўйича Ўзбекистон термаси Дэвис Кубоги ўйинларида 19 мавсумдан буюн қатнашиб келади, шу кунгача у жаҳон гуруҳининг плей-офф ўйинларига беш марта чиққан.

## Ўқинг, бу қизиқ

### Янги қонун қабул қилди

Шотландияда фаст-фуд маҳсулотлари рекламасини чеклашга доир қонун қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, таркибида ёғ ва туз миқдори кўп бўлган маҳсулотлар, ширинликлар, гамбургер, пицца каби фаст-фуд таомлари кечки соат тўққиздан кейин реклама қилинмаслиги керак.

### Товуш чиқармайди

Франция олимлари музлаткичи ва кондиционерлар учун совутиш мосламаси ясашда фойдаланиладиган янги қотишма кашф этди.

Ушбу қотишма ёрдамида илҳам, тежамкор ва товуш чиқармасдан ишлайдиган музлаткичи ва кондиционер ишлаб чиқариш мумкин. Хабарларга кўра, қотишма таркиби темир, фосфор, марганец ва германийдан иборат.

### Энди сохта бўлмайди

Италиялик олимлар сурачларнинг асл нусхасини сохтосидан ажратиш усулини яратдилар. Маълумотларга қараганда, бунинг учун расм тағига ўчириб бўлмайдиган ноёб кимёвий ёзув қўшилади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, турли кимёвий



Экспертларнинг таъкидлашича, янги технология экологик муаммоларнинг олдини олишда қўл келади — иқлимга салбий таъсир қилувчи зарарли фреон газининг ҳавога чиқишига чек қўйилади.



Мамлакат ҳукумати вакилларининг таъкидлашича, бундай маҳсулотлар рекламаси ўсимларнинг ушбу таомларга бўлган қизиқишини ошириб, саломатлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, Буюк Британияда 2009 йилдан буюн болаларга мўлжалланган кўрсатувлар оралиғида фаст-фуд ва инсон, айниқса, бола саломатлиги учун зарарли озиқ-овқат маҳсулотлари рекламасини беришни тақиқловчи қонун қабул қилинган.



**ADOLAT**

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Ташхир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талғат МУРОДОВ, Алишер МҮМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таххирот манъаси: 100000, Тошкент шаҳри, Мамбулчишар кўчаси, 32-уй, adolat\_gazeta@mail.ru

Баш муххари: Худоёр МАМАТОВ

Баш муххари биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳўёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибнат — 233-41-89.

Набатчи муххари — Фарҳод ЭСОНОВ. Набатчи — Фулом ХИДИРОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таххиринт рухсати билан амалга оширилади.

НАШИР КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2093-5237

1 2 3 4 5